

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ОМИЛИ

Қачонки шахс моддий жиҳатдан муайян даражада таъминланган бўлса, унинг ижтимоий фаолиги ортада Шубҳасиз, бундан жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади.



ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

«Замонавий қўлчилик» деганда инсонларни жинсий ва жисмоний эксплуатация қилиш тушунамоқда. Ҳар йили 600 000 мингдан 800 000 гача одам инсон саводси қурбонига айланиб қолимоқда.



КЕНЖАЕВНИНГ «ЯХШИЛИГИ»

— Совға учун раҳмат, лекин ўша кунги гапим гап. 300 доллар олиб келмасангиз ишингиз битмайди. — деди кўнра қилиб Миршод. — Сизга тўрт кун муҳлат. Яхшилаб ўйлаб кўринг.



НАСЛИМИЗНИ ТОЗА САҚЛАЙЛИК

Фарзандингиз номусноиб иш қилиб қўйса, мимга тортиб экан, дейсиз. Қудамнинг фаолчи қаринасини шундай одам бўлган экан, ўшанинг ўзи бўпти, деб куюнасиз. Лекин энди кеч бўлган бўлади.



Mustaqillik huquq demakdir

Н И Ш Қ И Қ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

2007-йил 14-iyun, № 24 (545)



Парламентда

Шухрат УЗАКОВ, Республика Ҳарбий прокурори

Бурч ва масъулият

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди.

Ахборот соҳаларини жадал ва собитқадам ривожлантириш учун зарур қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирги замон талаблари ва демократик стандартларни инобатга олиб «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида»-ги, «Реклама тўғрисида»-ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги, шунингдек, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»-ги, «Мустақил телерадио каналларини ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришда муҳим рол ўйнади.

лиснинг Сенатида «Оммавий ахборот воситаларининг янгиланган тезкорлик билан ёритишдаги вазифалари» мавзуда конференция бўлиб ўтди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган конференцияда оммавий ахборот воситаларининг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларни, ҳусусан, «...ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва гоёларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, демократиани чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди», деган вазифани амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Миллий Армиямиз таянчи

Президентимиз — Куролли Қўчларимиз Олий Бош қўмондонни замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинган ишларга тўхталар экан, армиямизнинг энг муҳим бўғинларидан бири бўлган сержантларни тайёрлашга катта эътибор бериб келинаётганини таъкидлайди.

«...Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланиб, улар аскарларнинг асоси, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур», дейди Юрбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригида.

Таъкидлаш жозикки, давр сержантларни замон талабларига, замонавий армияга мос равишда шакллантиришни тақозо этди.

Маълумки, Юрбошимиз ташаббуси билан олиб борилаётган Куролли Қўчларимиздаги ислохотлар натижасида миллий армиямизда муҳим ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда. Про-

фессионал ҳарбийлар тайёрлашга ихтисослашган сержантлар тайёрлаш мактабларининг ташкил этилиши ана шу ислохотлар мевасидир.

Бугунги кунда самарали фаолият кўрсатаётган сержантлар тайёрлаш мактабларида профессионал ҳарбийларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу ўқув масканлари кундан кунга замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар билан таъминланмоқда. Йўриқчи, ўқитувчилар таркиби профессионаллаштирилиб, ўқув-тарбиявий жараён ҳар томонлама сифатли ташкил этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими вуजूда келди. Яъни ўқиниша қиринда номзодларнинг билим ва интеллектуал даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, қилинаётган сайё-ҳаракатларнинг бари миллий армиямизнинг суянчи ва таянч бўлаётган сержантларни тарбиялашга қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ҳамда фуқароларининг ахборот олиш ҳуқуқларини баҳарилишини ҳар тарафлама ва тўла-тўқис таъминлашга қаратилган.

Ахборот соҳасида нодавлат институтлари ҳамда тузилмалар шаклланиши ва ривож топиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техникавий шароитлар ҳам яратилган. Улар жумласига Журналистлар иходий уюшмаси, электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, шунингдек, бир қанча жамоат бир-лашмаларини киришти мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда 663 газета, 195 журнал, 19 бюллетень чакриқилмоқда, 53 телеканал, шу жумладан 29 та нодавлат телеканал, 35 радиоканал, шу жумладан 16 та нодавлат радиоканали, 79 та кабель студияси, 50 дан ортиқ наشريёт ишлаб турибди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли минтақалари аҳолиси 90 дан ортиқ хорижий теле ва радиоканаллар дастурларини кўриш ҳамда тинглаш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенатининг матбуот хизмати

Мамлакатимизда олиб борилаётган тўб ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, юртимизни янада ободқилиш, умулзаъриф этилган демократик аёнчаларни янада кенгроқ жорий этиш, миллий-маънавий қадриятларга кенг йўл очиб беришга қаратилган ҳаммага маълум. Утган давр мобайнида ўтмишдан мерос қолган ижтимоий, иқтисодий қийинчиликлар енгиб ўтилиб, салмоқли ютуқларга эришилди. Бу бора-

ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонни ёшларга ўқитиб, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишда янада қўлай муҳитни яратиб қўйилган ишларимизнинг ўзинга хос ифодасидир.

Ушбу фармоннинг мазмун-муҳитини аҳолига кенг тарғиб қилиш, ёш оилаларга яратилаётган имтиёزلардан фойдаланишда ҳуқуқларни расмийлаштириш жараё-

Фармон ва ижро

Аҳолининг 44 минг нафарини воёга етмаганлар ташкил этади. Шаҳарнинг «Тараққиёт», «Намуна», «Бўстон» маҳаллалари аҳоли тизим жойлашган мавзелардан ҳисобланади. Президентимизнинг қўқорида номи эйқр этилган Фармонини тарғиб қилиш мақсатида яқинда ушбу маҳаллаларда ўтказилган йиғилишларда Гулистон шаҳар прокурори Одил Молдабеков, Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдам-

Ҳаётбахш фармон тарғиботи

даги эътиборли жиҳатлардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга асосий устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиши бўлди. Айнан шу мақсадда ёш болани, кўп фарзандли оналар, кам таъминланган оилалар, кексалар, талабалар, ногиронларга эътибор қўнади. 2007 йилнинг ижтимоий ҳимоя йили деб белгиланиши аввал амалга оширилган шу йўналишдаги ишларнинг ўзвий давоми бўлди десак янгилишмиган бўламиз. Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий

ни ҳаққда ёшларга «чуқурроқ маълумот бериш мақсатида жойларда кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳарнинг турли маҳалла-ларида, қорхона ва муассасаларда йиғилишлар ўтказилмоқда. Шу ўринда Гулистон шаҳрига оид қисқача маълумот бериб ўтас. Ҳозирги кунда шаҳарда жами 75 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 17 та маҳалла мавжуд бўлиб, 38 та таълим ва 16 та даволаш муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Отабек ТУСУНОВ,
Гулистон шаҳар прокурорининг ўринбосари

Фойдали Тренинглар

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама ҳимоялаш масаласи алоҳида эътиборга олинган. Бу борада жамоат ҳаида қатор тегишли муассасаларда самарали ишлар олиб борилаётти. Утган ҳафта пойтахтимизнинг «Гранд Мир» меҳмон-хонасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси ва БМТнинг Болалар Фонди (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида «Ювенал адлия соҳасида фаолият юритувчи адвокат ва ННТ вакиллари таълим даражасини ошириш» мавзусида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Айни пайтда воёга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими қайта қўриб чиқилмоқда. Мазкур ўзгаришлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари ва бошқа ушбу соҳа билан боғлиқ бўлган

жамоатчилик ташкилотлари ходимларининг ювенал юстиция асоси, унинг муайян вазифалари ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлишини талаб қилади. Шу боис, воёга етмаганлар билан ишловчи мутахассисларнинг билим салоҳиятини ошириш юзасидан ЎзННТМнинг «ювенал адлия» лойиҳаси доирасида жойларда бир қатор семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Унда миллий экспертлар қаторида халқаро экспертлар ҳам қатнашди.

Тадбир давомида иштирокчилар соҳа бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш ва алмишиш билан бир қаторда келажакда амалга оширишни лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Ўтқиржон ДЕҚОНОВ,
журналист

Семинар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).
Шу ўринда Республика ҳарбий прокуратураси органлари ходимларининг сержантлар тайёрлаш мактаблари мутахассислари билан олиб бораётган мунтазам алоқалари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил топишидан то ҳозирги кундаги фаолиятигача узвий ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Ҳарбий прокуратура органлари ходимлари жойларда Мулофаа ишлари бошқарма, бўлимлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари кўмондонликлари томонидан сержантликка номзод аскар ва фуқароларни саралашдаги танловнинг одилона олиб борилишида, бўлгани сержантларнинг ҳуқуқий ости, маданиятини юксалтиришда ўз хиссаларини қўшишмоқда. Сержантлар тайёрлаш мактаблари кўмондонликлари билан тарбиявий ишларнинг ҳар томонлиқа сифати олиб борилишида, бу ерда таҳсил олаётган ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг Ватан олдидаги бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб етишларидан кенг тўлуқчаларни бериб келишмоқдаки, пировардидо бу бўлажак кичик командирларни профессионал армиянинг ҳақиқий ўғлонлари бўлишига хизмат қилмоқда.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ



олиш қобилияти билан ҳам ажратиб туриши лозим. Шу боис бугун сержантлар тайёрлаш мактабларида таълимнинг тақомиллаштирилган, чуқурлаштирилган дастури амалга таътиб этиляпти. Малакали офицер ҳамда ўқитувчилар курсантларга соҳа сирларини мукамал ўрғатишмоқда. Кутубхоналар янги-янги адабиётлар билан бойитилмоқда. Бундай дарсҳоларнинг моддий-ўқув базасини бойитиш, янги, замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминлаш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида сержантлар ҳам қўл ол-

тидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий руҳда тайёрлайди. Аскарлар билан мустақил тайёрларлик олиб бориш, ўч очиш, индивидуал тарбиявий ишлар бўйича машғулотлар ўтказиш ҳам табиийки сержантнинг зиммасида. Жанговар ҳолатларда эса ундан бўлинининг жанговар шайлигини, қобилиятини, шахсий таркибнинг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этиш талаб қилинишини яхши биламиз. Шундан кўриниб турибдики, уларга армиямизнинг том маънодаги таянчи, офицерларнинг яқин ёрдамчиси, аскарларнинг устози деган таъриф берилиши бежиз эмас. Бунинг замирида улкан масъу-

лият ётади.
Шу маънода сержант қўл остидагиларга шахсий намуна кўрсатиб, уларни жанговар вазибаларни муваффақиятли бажаришга руҳлантирмоғи керак. Бунда унинг етакчилик қобилияти муҳим ўрин тутайди. Яъни билими, тажрибаси билан шахсий таркибини ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қила билиши лозим.
Қуролли Қучларимиз сержантларнинг мақоми тўғрисидаги муҳим ҳужжатнинг қабул қилингани, унда кичик командирларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари, бурчи, масъулияти, имтиёзу имкониятларининг белгилаб берилиши, умуман сержантларга даълатимиз томонидан кўрсатилгаётган устувор эътибор ва гамхўрликлар армиямизнинг том маънодаги таянч-

донликлари билан тарбиявий ишларнинг ҳар томонлиқа сифати олиб борилишида, бу ерда таҳсил олаётган ҳарбий хизматчиларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг Ватан олдидаги бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб етишларидан кенг тўлуқчаларни бериб келишмоқдаки, пировардидо бу бўлажак кичик командирларни профессионал армиянинг ҳақиқий ўғлонлари бўлишига хизмат қилмоқда.
Президентимиз таъкидлаганидек «Барча бундаги командирларнинг энг муҳим вазибаси — армиядаги тарбиявий

— Фахриддин Турсунович, мана «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган жорий йилнинг 5 ойига ҳам яқин ясади. Албатта, бу даврда маълум армиянинг бўйича Давлат дастурида белгилаган вазифаларни амалга ошириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Эришилган ютуқлар ўзимизники. Аммо, йўл қўйилаётган камчишлар, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш прокуратура органларининг зиммасига калта масъулият юксалади. Шу маънода ўзиниз раҳбарлик қилаётган Милқублоқ тумани прокуратурасида фуқароларни ижтимоий муҳофазалашга оид қонунлар ва бошқа меърий ҳужжатларнинг ижроси қай даражада эътиборга тутилганлиги ҳақида сизнинг фикриңиз қандай?

— Дарҳақиқат, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги барчамизга аён. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган давр мобайнида Ўртбошимиз томонидан ҳар бир йилни ўзига хос тарзда номлаш ва шунга мос равишда жуда катта кўламадаги ишларни амалга ошириш анъанага айланиб қолди. Эътибор бериб қарасак, қайси йил қандай номланмасин, асосий мақсад юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигига қаратилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Жумладан, «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам фуқароларимизнинг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож бўлган қатламга ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак бериш, уларнинг ўқиб-ўқинишларига маълум бўлиш кўзда тутилган.

Туман прокуратураси ходимлари шундан келиб чиқиб, бу борада қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан назоратни мунтазам диққат марказида тутиб келмоқда. Яқинда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди.

Хусусан, туман ижтимоий таъминот бўлимининг ижтимоий хизмати ташкиллаштириш шўбаси мудири Х.Абдураззақов «Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида»ги қонун талабларини қўпол равишда бузиб келган. У 2002-2007 йилларда сўхатҳоларга бепул бериш учун пенсионер ва ногиронлардан туш-

ган 299 та аризага умуман жавоб хати ёзмаган. Қарийб 5 йил давомида аризаларни қайд этиш китобини юритмаган. 2001 йилда берилган аризаларни ҳеч қандай сабабсиз йўқ қилиб юборган.
Шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Наманган филиали Милқублоқ тумани почта алоқа тармоғида юқоридоги қонун ҳамда Республика Президентининг «Ўзгалар парварлишига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра пенсия ва нафақа пуллари тарқатилиши қонунийлиги устидан мониторинг ўтказилганда, алоқа тармоғи бошлиғи

ган кишига етарли имконият ва шарт-шароитлар қонун билан кафолатлаб қўйилган. Лехин, тадбиркорлик йўлига сувий тўсиқ қўйиб, соҳа ривожига ров бўлаётгани камсалар оз бўлса-да, учраётганидан кўз юмолмаймиз.
— Тўғри таъкидладингиз. Ҳақиқатан ҳам, ишбилармонлик, фермерлик ҳаракати учун мамлакатимизда йўлга қўйилган имтиёзлар боис бу тармок кундан кунга ривожланиш, равнақ топиб бормоқда. Тад-

отридаги меъеридан анча ортиқча равишда ўтказиб юбориб, уларнинг ҳуқуқларини поймол этган. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, банкнинг иқтисодиёт бўлими бошлиғи А.Олчибоев «Деҳонов» фермер хўжалиги ҳисоб рақамидоги жорий йил ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитдан хўжалик мутасаддисининг розилигисиз 264 миң сўмни ўзбошимчилик билан ўтказиб юборган. Шу сингари тумандаги «Рус-тамали ҳожи», «Акматалиев Абдуғаф-

чилиш, юртимиз худудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш ишларига асосий эътиборни қаратмоқдамиз. «Қишлоқхўжалиқим» АЖ Тўрақўрган туманлараро филиалининг «Наманган» ва «Гулистон» шахобчалари, «Гулбоб» пахта тозалаш заводи, «Тўрақўрган нефтбаза» унитар корхонасининг туман шахобчалари мутасаддилари бир неча бор огоҳлантирилди.
Шунга қарамай, қўшма топширик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари сув юзига қалқиб чиқди. Масалан, 200қолдориланган уруглик чигитни пахта заводидан олиб кетаётган «Раҳимжон» фермер хўжалиги тракторчиси Б.Ҳайдаров йўлда унинг 46 килограммининг фуқаро Х.Ҳайдаровга 6000 сўмга сотиб юборган.
«Гигант» пахта пунктида уруглик чигитнинг тайёрланиши ва сакланиши аҳоли урганганида эса, цех бошлиғи М.Умаралиев зиммасида

**Милқублоқ тумани прокурори
Фахриддин БОЙЗОҚОВ билан сўхбат**

ҲАҚҚОНЧИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Т.Ҳамроев ногирон ва пенсионерларга ўтган йили қарийб 7,5 миллион сўмлик, жорий йилнинг икки ойида эса 968 миң сўмлик турли лотереяларни ўз ходимларига ноқонуний топшириқ бериш орқали мажбуран соттирганлиги маълум бўлди. Т.Ҳамроев ЖҚнинг 205-моддаси, 2-қисми, «а» ва «в» бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилди.
Бундан ташқари, бошқа тармокларда ўтказилган текширишлар давомида туман прокуратурасининг ташаббуси билан 12 нафар фуқарога ногиронлик гуруҳлари тайинланди. 6 нафарига эшитиш мосламаси ва арава, 4 нафарига протез ва телефон, яна кўпчилигига бегул дори, дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак олиб берилиши таъминланди.
— **Истиқлолнинг халқимизга берган энг катта ҳуқуқларидан бири шубҳасиз иқтисоди, лаёқати бор ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик билан эмин-эриш шуғулланиш, элдустурхонни тўқилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишидир. Бугун ишбилармон ёки фермер бўламан де-**

биркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш ҳам прокуратура органларининг зиммасида. Туманимизда мисолга оладиган бўлсак, сиз айтиб ўтган ҳолатлар бот-бот учраётганини инкор этмайман. Мисол учун, «Сайхун» фермер хўжалиги раҳбари Х.Эргашева фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида кредит сўраб, «Микрокредитбанк»нинг Жомашуй бўлимига муружаат қилган. Бироқ, банкнинг бўлим мутахассиси М.Суллаймонов томонидан унинг аризаси ҳеч қандай асосиз пайсалга солиб келинган. Туман прокуратурасининг аралашуvidан сўнг Х.Эргашева ҳамда яна бир фуқаро Х.Абдуллаевага 600 миң сўмдан микрокредит ажратилди. Сансалорликка йўл қўйган М.Суллаймонов эса интисомий жавобгарликка тортилди.
— **Ёки «Пахтабанк»нинг Жомашуй бўлими йил давомида пахта зарарчанданларига қарши ишлатилгани турли биопрепаратлар учун фермер хўжалиқларининг маблагларидан туман ўсимликларни ҳимоя қилиш**

фор ўғли». «Абдумалик Дилшод», «Холпошша Ёна» каби жами 11 та фермер хўжалигининг 4 млн. 650 миң сўмдан ошмиқ маблагини қонунга зид тарзда ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди ҳисоб рақамига кўчириб берилгани кузатилиб, прокуратура талаби билан пуллар эгаларига қайтарилди. Айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.
— **Биламизки, Милқублоқ Наманган вилоятидаги энг широк агар туман ҳисобланади. Шундай экан, қишлоқ хўжалиқ тармоғидаги қонунийликнинг аҳолига ҳам туҳталиб ўтказилди.**
— Бу йил туман бўйича 8406 гектар ерда галла, 18 миң 570 гектарда пахта етиштирилмоқда. Вилоят миқёсида оладиган бўлсак, бу жуда катта кўрсаткич. Шу боис энг аввало Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий Хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат Божхона қўмитаси органлари томонидан жорий йилнинг 16 март кунини имзоланган миёнари ўғит, нефть маҳсулотлари ва уруглик чигитни талон торож

жами 1098 кг., 1 млн. 207 миң сўмлик дориланган уруглик чигитдан камомад борлиги маълум бўлди.
«Геркулес БОН» фермер хўжалиги дала шийпонидо эса 2 тонна аммиакли селитра ҳамда 1,5 тонна А-Супер минерал ўғити топилди. Фермер хўжалиги раҳбари Д.Жўраев уларни номалзум шахслардан 360 миң сўмга сотиб олиб, қонунга зид равишда, яширинча сақлаб келгаётган экан.
Юқоридоги ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар қилмишларига яраша жазоларни олиштиди.
Умуман, қайси жабҳада бўлмасин, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кескин курашиш, уларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ишларига доимий ҳисса қўшиб бориш фаолиятимиз мезони бўлиб қолаверди.
Шўхрат ДЕҲОНОВ
сўхбатлашди

ҲАҚРАТЛИК

2007-йil 14-iyun, № 24 (545)

Моҳият

Ақлли жа-
воб олмоқчи
бўлсанг, ақлли
савол бер.

I.ГЕТЕ

18-iyun, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (ўзб)
07.30, 09.45, 14.00, 16.30,
17.40, 21.00 Ўзбек наволари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгоҳ»
08.45, 13.15, 15.45, 20.50 Ми-
ровые хиты
11.00 Х/ф «Держи ритм»
13.30 «Миссия неповторима»
15.00 Телениня
17.00 «Навбат» Рашид Ҳолиқов
билан
18.30 «Кулинар фантазиялари»
19.30 Серил «Ва-банк»
13-серия
22.00 Комедия «Симона»
00.20 Миксер

19-iyun, Seshanba

07.00, 10.50, 14.30, 16.15,
17.45, 18.10, 20.35, 21.30 Ўзбек
наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)

18-iyun, Dushanba

12.00, 14.15 «Клип-минут-
ка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Атлантида»
14.35 Х/ф «Летающий ко-
рабль»
15.40 Мультифильм
16.00, 18.10, 20.50 «Музы-
кальная дорожка»
16.40 Х/ф «Воспитатель»
18.50 Х/ф «Приманка»
21.30 Х/ф «Аляз буква»

19-iyun, Seshanba

12.00, 14.00 «Клип-минут-
ка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Не бой кошотом»
14.20 Х/ф «Астерикс и Обе-
лик: миссия Клеопатра»
16.05 М/ф
16.25, 19.00, 21.10 «Музы-
кальная дорожка»
17.05 Х/ф «Правила съёма:
метод Хитча»
19.40 Х/ф «Сейф»
21.50 Х/ф «Подарок судь-
бы»

18-iyun, Dushanba

5.55 Курساتувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 11.10, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35
ТВ анонс.
8.50, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
9.00 1. Б/ф «Сехрланган қиз».
2. М/с «Қудус амининг қисса-
лари».
10.50 «Самарқанд -2750».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё икли-
ми.
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Олтин бешик».
11.45 «Одами эркан»
12.05 «Жайдади келин». Муҳимий нома-
даги мусикали драма театрининг спек-
такли.
14.20 «Қусто командасининг сув ости
саргузаштлари».
15.10 «Хайт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар»
16.20 «Обод манзиллар»
16.40 «Болалар сайраси»:
17.25 «Эртақлар - яшиллик етаклар».
17.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбеки-
стон қўриқоналари».

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

09.00 Серил «Ва-банк»
14-серия
10.20, 12.50, 15.45, 16.15 Ми-
ровые хиты
11.00 Х/ф «Без ума от любви»
14.00 Марказ NEWS (ўзб)
15.00 Телениня
16.00 «Сайилгоҳ»
18.10 «Кулинар фантазиялари»
19.00 Серил «Ва-банк»
15-серия
21.00 «Миссия неповторима»
22.00 Киноколлекция «Однажды
в Америке»
1-серия
00.20 Миксер

21-iyun, Payshanba

07.00, 10.20, 13.20, 14.30,
16.00 Ўзбек наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
08.10 «Сайилгоҳ»

21-iyun, Payshanba

12.00, 14.05 «Клип-минут-
ка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Динозавр»
14.25 Х/ф «Матильда»
16.00 М/ф
16.20, 18.40, 20.50 «Музы-
кальная дорожка»
17.00 Х/ф «Киллер»
19.20 Х/ф «В пасты у зверя»
21.30 Х/ф «Твоя моя не пони-
май»

18-iyun, Dushanba

18.00 «Марғилон - 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида»
18.15 «Агар Сиз»
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с «Қолиқуши».
21.40 «Икки дарё оралиғида». 1-қисм.
22.00 Т/с «Мухаббат гушаи»
23.00 «Қўшиқчи, муҳаббат» (SMS. Овоз
берилди).
23.10 Т/с «Икки тақдир».
23.55-24.00 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Курساتувлар дастури.
00.05, 01.30, 04.30 ТВ анонс.
00.10 «Ўзбекистон қўриқоналари».
00.45 «Хайт манзаралари».
00.55, 03.55 Дунё иклими.
01.00 «Ахборот» (рус)
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Чемпион сирлари».
02.05 «Муқаддас тахтизар» Спектакль.
03.50 «Самарқанд-2750».
04.00 «Ахборот»
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки

18-iyun, Dushanba

11.00 «Квартирный вопрос».
12.25 Т/с «Кодекс чести 2».
14.30, 17.30 «Чрезвычайное происше-
ствие». Обзор.
15.30, 00.40 Т/с «Возвращение
Мухтара 2».
18.40 Т/с «Ментовские войны».
20.45 Т/с «Улицы разбитых фона-
рей 7».
22.10 Т/с «Зона».
23.10 Ток-шоу «Школа злосло-
вия». В. Платонов.
00.05 Д/с «Победившие смерть».
02.25 «Криминальная россия».
03.20 Х/ф «Два бойца».
04.35 М/с «Богатенки Ричи».

08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Серил «Ва-банк»
16-серия
11.00 Х/ф «Однажды в Америке»
2-серия
14.00 Марказ NEWS (ўзб)
14.10, 15.45, 18.45 Мировые
хиты
15.00 Телениня
18.30 «Сайилгоҳ»
21.00 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Х/ф «Хороший город»
00.20 Миксер

23-iyun, Shanba

07.00, 08.10, 10.15, 13.20,
17.40, 18.10, 20.00, 21.40 Ўзбек
наволари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
09.00, 14.30, 16.20, 19.00 Ми-
ровые хиты
09.30 «Кинокурьер»
10.00 «Сайилгоҳ»

23-iyun, Shanba

10.00, 12.15 «Клип-минут-
ка»
10.20 М/ф «Суперсемей-
ка»
12.35 М/ф «Том и Джер-
ри»
14.05 Рейтинговый фильм
15.30 Кинохит «В джазе толь-
ко девушки»
17.30, 19.35, 21.45 «Музы-
кальная дорожка»
18.10 Х/ф «Такси-3»
20.15 Х/ф «Выстрел на пора-
жение»
22.45 Х/ф «Никита»

23-iyun, Shanba

19.00, 22.00 «ДАВР».
19.30 «Кор алангиси». Серил.
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 «Оқшом қўриқоналари».
20.20 «Хеч нима ҳамда битиллар»
20.30 «ТВ-банк».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Серил.
21.35 «Ешлик наволари».
22.30 «SMS-музыка». Еш ижрочилар тан-
лови.
22.60 «Гул ифори». Серил.
23.40 - 23.50 «Таскин».

24-iyun, Yakshanba

10.00, 11.55 «Клип-минут-
ка»
10.20 М/ф «Анастасия»
12.15 М/ф «Том и Джерри»
13.45 Рейтинговый фильм
15.40 Большое кино «Мис-
сия невыполнима-2»
17.40, 19.50, 22.00 «Музы-
кальная дорожка»
18.20 Х/ф «Злая женщина»
20.30 Х/ф «Васаби»
22.40 Видеобита:
1. «Пираты острова сокрови-
щ» 2. «Морское приключе-
ние» 3. «Шанхайский полдень»

RUSSIA

04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.45 Д/ф «Сотворить монарха.
Советские франкшайтеры».
08.45 Ток-шоу «Частная жизнь».
09.45, 12.40, 15.40, 18.40 «Ве-
сти. Дежурная часть».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Ве-
сти».
10.30, 13.20, 19.45 «Местное
время. Вести - Москва».
10.50 Т/с «Старые дела».
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
16.20 «Местное время. Вести -
Московская область».
16.40 Т/с «Таинго втроём»
17.40 Т/с «Ангел-хранитель»
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 Т/с «Примадона».
22.05 «Городок».
23.10 «Вести +»
23.30 «Частный детектив».
23.55 «Синемания».
00.25 «Дорожный патруль»
00.45 Комедия «Кошмар в сумас-
шедшем доме».
02.00 Канал «Евроньюс».
03.40 «Вести. Дежурная часть».

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

18.45 «Денгиздан томчи». 19.15 «Сугурта оламида». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ёшлар...

23-ЙУН

Shanba

10.15 «ТВ-анонс». 10.20 «Универсиада-2007» спорт уйлари...

22.30 «SMS-муסיка». 22.50 Жаҳон киноси: «Симона».

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!».

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 - 16.00 «Универсиада - 2007» спорт уйлари...

5.00, 9.00 Новости. 5.10 «Гени и злодеи». 5.35 Х/ф «По законам военного времени»...

07.00, 10.00, 13.00, 19.00 «Вести». 07.10, 10.10 «Местное время».

09.20 «Главная дорога». 09.55 «Кулинарный поединок». 11.00 «Квартирный вопрос»...

12.30 М/с «Губка Боб Квадратные Штаны». 13.00 «Битва экстрасенсов».

19.00 Киномания. 20.00 Х/ф «Охота на Феникса».

РОССИЯ

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

07.00, 10.00, 13.00, 19.00 «Вести». 07.10, 10.10 «Местное время».

24-ЙУН

Yakshanba

11.20 «Уймидга фаршгам». 11.40 «Дуне таомлари».

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!».

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.00 - 16.00 «Универсиада - 2007» спорт уйлари...

5.00, 9.00 Новости. 5.10 Искатели. «Великий запрет Чингисхана».

05.00 Х/ф «Тропой быстростройной любви». 06.30 «Сельский час».

11.00 Жагади шоу-бизнеса. 11.00 Т/с «Зачем вы, девочки?».

21.45 Х/ф «Танцы в Голубой Игуане».

7.00 «Бодрое утро». 8.00 - 16.00 «Универсиада - 2007» спорт уйлари...



БМТ маълумотиға кўра, аёлларнинг товар сифатидаги савдо айланмаси дунё миқёсида йилига 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этар экан. Уз навбатида бу «бизнес» одам савдогарлари ва кўшмачиларнинг трансмиллий жинсий ташкилотлари ҳар йили 7 миллиард долларгача даромад олишади. Киёслаш учун айтиш мумкинки, асосий истъомол молларининг дунё савдосидаги умумий даромади ҳам қарийб шунчадир...

Одамнинг одам томонидан қўл қилниши ҳеч бир инсоний меъёрларга тўғри келмайди. Ҳеч бир давлатда бунга қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳуқуқий ҳужжат йўқ. Аксинча, бу иш ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан қораланади, ман этилади. Шундай бўлса-да, одам савдоси барҳам топмаётти. Ҳар йили миллионлаб одамлар ундан жабр кўраётти. Энг ташвишланарлиси, уларнинг асосини жинсий эксплуатация қилиш учун хорижга олиб чиқиб кетилаётган аёллар ташкил этмоқда.

Кейинги пайтларда тобора илдиэ отиб бораётган ИНСОН САВДОСИ ўз домига мўмай пул топишининг осон йўлини излаганларни тортмоқда. Ана шундай тубан ҳунарни касб қилган 26 ёшли Азиз Исмоилов Тошкент вилояти Тошкент туманидан. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу йигитча юртдошларини хорижликларга пуллаб, тирикчилик қилишни ўзига касб қилиб олди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойларида у ишлаш учун БААнинг Шарджа шаҳрига виза очтириб, ишлашга жўнаб кетди. Шарждадаги меҳмонхоналардан бирига жойлашиб олган Азиз орадан икки кун ўтиб, ўзбекистонлик бир йигит билан танишиб қолди. У ўзини Равшан Ҳамидуллаев деб таништирди.

— Бу ерда танишларим кўп, сизга яхши бир иш топиб бераман, — деди Равшан. Бироздан кейин қўшиб қўйди. — Шу ерда биттаси билан гаплашганим, агар Тошкентдан ресторданга ишлаш учун қизлар олиб келсаларинг катта пул тўлайман деганди. Уриниб кўрсак...

Шундай қилиб, Азиз унинг таклифига рози бўлди. Шар-

джага келганига 5 кун бўлмади, Равшан билан орта, Тошкентга қайтди. Келган куннинг эртасига хорижга олиб кетиш учун қиз қидиришга тушди. Азизга таниши Жавлоннинг машинасида қирақашлик қилиб юриш қўл келди. Чунки машинага турли йўловчилар ўтирар, айниқса, машинага ўтирган қизларни гапга солиб кўрарди. Унинг дидига мос қизлар Отчопар бозори олдида учради.

Бу пайтда бозордан чиққан 3 нафар қиз манзилларига тезроқ етиш учун такси тўхташтирди. Уларнинг ёнига «Жигули» автомашинаси келиб тўхтади. Машина рулида Жавлон, орқа ўриндиқда Азиз ястаниб ўтирарди.

— Қайси томонга кетаяпсизлар? — деб сўради Жавлон қизлардан.

— Қушбеги мавзесига.

Нарҳини келишган, улар машинага ўтиришди. Йўл-йўлакай Азиз қизларни гапга солиб, танишиб ҳам олди. Қизлар ўзларини Гулбаҳор, Муборак ва Феруза деб таништиришди. Азиз гап орасида қизларга Дубайда ишлашни таклиф қилди.

— Нима иш экан? — қизиқиб сўради қизлар.

— Ресторанда официантликка, кунига 200-300 доллар моянса ҳам бор. Емон эмас-а?

Азизнинг таклифи қизларни

қизиқтириб қўйди. Улар ўйлаб кўришларини айтишди. Қизлар манзилига етиб келишган, Азиз улардан ҳоҳатга кириб чиқишни сўради. Улар рози бўлгач, бирига машинадан тушиб, қизлар яшайдиган уйга киришди. Шу баҳонада Азиз улар ҳақида кўпроқ маъ-

шан билан бирига Туркия орқали Дубайга учиб кетишди.

— Ортимиздан Дубайга учиб боргин, — аэропортда Азизга тайинлади Равшан.

«Орадан 2 кун ўтиб, Тошкент-Дубай йўналиши бўйича учган Азиз Равшандан олдин етиб борди. Дубай шаҳрининг Тер-

ерда официантлик қилиб, уларга пул топиб бераман деган уйда қолаверди.

Орадан икки кун ўтгач, Арифа билан Саида исмли аёл қизларни Пикадели меҳмонхонасига, Хана исмли аёлга олиб боришди. Хана қизлардан:

— Сизларни ҳам супермаркетда ишлайсанлар деб олиб келишдим, — деб сўради.

— Ҳа.



КУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

лумотга эга бўлди ва ишончини қозонди.

Хориждаги катта даромадли иш қизларни қизиқтириб қўйганини Азиз уларнинг юз-кўзларидан ҳам пайқаганди. Шу-

минал аэропортида Равшан Нилуфар, Наргиза ва Гулбаҳорларни Улгар исмли озарбайжон йигит билан бирига қўшиб олди. Улгар аэропортнинг ўзидаёқ қизларнинг паспортини олиб қўйди.

Сўнг уларни Улгарнинг Бар-Дубай шаҳридаги уйига олиб боришди. Шу кун қизлар ҳам, Азиз билан Равшан ҳам Улгарнинг уйида қолишди. Шу ерда улар шубҳали гаплашиб туришганида, Гулбаҳорнинг олдида Равшаннинг таниши Арифа келиб, қизларни бошқа хонага олиб чиқиб кетди ва у қизларга гапнинг ростини айтиб қўя қолди:

— Азиз билан Равшан сизларни бу ерга сотиш учун олиб келди. Агар мен билан қолсаларинг ҳаммаси яхши бўлади.

Қизлар бу гапни эшитиб қўрқиб кетишди. Шу пайт хонага Азиз билан Равшан кириб қолади. Қизлар шу заҳоти Арифанинг гапларини уларга айтишди.

— Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, ҳаммаси яхши бўлади, — ишонтиришди йигитлар.

Қизлар Арифаникида бир неча кун туриб қолишди. 28 ноябрь кун Арифага кимдир қўнғироқ қилиб унга Гулбаҳорнинг онаси оламдан ўтганини айтди. Гулбаҳор шу заҳотиёқ Азиз билан Равшанга бу нохуш хабарни етказди.

— Мени Тошкентга учуриб юборинглар, — дея илтимос қилди Гулбаҳор.

— Сенга сарфлаган 2000 долларни бизга қим беради?

— Ахир онам...

— Пулни тўла, катта кўча...

Шундай қилиб, Гулбаҳорнинг Тошкентга қайтишига рухсат тегмади. Чорасиз қолган Гулбаҳор шу

— Гап бундай қизлар. Очигини айтадиган бўлсам, сизлар бу ерда фоҳишалик қиласизлар.

— Ахир, Азиз билан Равшан...

— Мен бундай йигитларни танимайман!

Қизлар норозилик билдиришган эди, Хана уларни яхшилаб уриб «асларини» киргизиб қўйди.

— Ҳужжатларинг ҳам йўқ, агар айтганимни қилмасанглар, полицияга топшириб юбораман.

Чорасиз қолган қизлар унинг айтганини қила бошлашди.

Орадан бир ой ўтиб, Гулбаҳор уйига қўнғироқ қилишнинг иложини топди. Уйидагиларга Азиз билан Равшан уни сотиб юборганини, бу ерда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилаётганини айтиб, кетишга ёрдам беришларини сўради. Уйидагилар эса ёрдам сўраб Ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилишди.

Бу пайтда Азиз Дубай шаҳридаги машиналар ювиш жойига ишга кириб, машина ювиб юрган эди. Орадан бир-икки ой ўтиб, уйига қўнғироқ қилганида, отасидан совуқ хабар эшитди: уйига милиция ходимлари қидириб келишганмиш...

Бу хабардан Азизнинг қўнғилга гулгула тушиб, Ханага қўнғироқ қилди. — Гулбаҳорни қўйиб юбор, уйдагилари мени милицияга берибди.

— Жавоб беролмайман. Ҳали етарли пул ишлагани йўқ.

— Унда қачон қўйиб юборасан?

— Февраль ойи охиригача кутасан.

Шу билан Гулбаҳор март ойига-ча Хананикида қолди. 17 март кун Азиз уни аэропортга олиб чиқди. Қўнғилга паспорти ва самолёт чиптасини бериб Тошкентга учуриб юборди.

Гулбаҳор-ку, бир амаллаб ватанига қайтди. Қолган қизлар-чи, уларнинг тақдири нима кечди? Улар-

дан фақат яна биттасининггина тақдири маълум. Равшаннинг алдоовларига учган Насиба 5 декабр кун Дубайга кетган эди. 31 декабр кун онаси Малика опага йўғлаб қўнғироқ қилди:

— ...бу ердан олиб кетинг, ойи! Мени алдаб олиб келишди...

У Арифа деган аёлнинг қўлидалигини айтиб, онасидан унга қўнғироқ қилганини Равшанга айтмасликни илтимос қилди. Яна шу уйнинг телефон рақамини ҳам берди. Малика опа эртаси кунiek Дубайга қўнғироқ қилди. Гушакни Нигора Каримова кўтарди.

— Қизим яхшимми? — деб сўради аввалига.

— Ҳа, яхши. Ҳали ишга чиққани йўқ, — деди Нигора сир бой бермай.

— Унинг ёш боласи касалхонада оғир бетоб бўлиб ётибди, уйга жўнатиб юборинглар.

Нигоранинг жаҳли чиқиб кетди:

— Жўнатишга пулни қаердан оламан?!

— Пул топиб жўнатаман, фақат қизимни қайтаринглар, — деди Малика опа илтижо билан...

Малика опада нақд пул бўлмаганлиги сабабли тилла зирагини

сотди. Бир амаллаб 170 доллар йўғиб аэропортга борди. У ерда Дубайга кетаётган бир нотаниш аёл орқали пулни бериб юборди. Кейин яна Арифага қўнғироқ қилиб, 170 долларни бир аёлдан бериб юборганини, қизини қайтариб юборишнинг сўради. Орадан икки ҳафта ўтиб, Насиба Тошкентга қайтиб келди. У роса йўғлади, аммо Дубайда нима иш билан шуғулланганини айтмади. Унинг паспортини Арифа олиб қолган экан...

Азизнинг Исмоиловнинг бу тубанлиги жазосиз қолмади. У Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилди, муносив жазо олди. Аммо бу қизларнинг йўқотган номусларини, ер билан битта қилинган шаънини қайта тиклай олармикин?!

Афсуски, одам савдоси бугун дунёни ўргинмак турти мисоли чирмаб олмоқда. 90-йиллар бошидан у МДХ давлатларига ҳам кенг ёйла бошлади. Ўзбекистонга XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ўрталарида кириб келди. Турли манбаларда дунё бўйича одам савдосидан жабр кўрганлар 30 миллиондан 200 миллионгача кўрсатилди. Бироқ рақамлар ҳар қанча тахминий бўлса-да, бир нарсга аниқ — алдов ва зўравонлик қурбонига айланаётганлар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, дунёдаги ана шундай «қўллар»нинг миқдори 27 миллионга етган. Ҳар бир ёлланган аёл учун ёлловчилар 200 дан 5000 АҚШ долларигача ҳақ олади.

Шу нуқтаи назардан юртдошларимизни яна бир оғоҳлик ва хушёрликка чорлашни истар эдик. Ҳушёр бўлинг, билиб-билмай фибрибарларнинг тузоғига тушиб қолманг!

КУБАГА СЕРКАТНОВ

Венесуэла Президенти Уго Чавес Куба раҳбари Фидель Кастронинг тақдирини баён қилди. «BBS News» ахборот агентлигининг хабар беришича, икки давлат раҳбарлари ўртасида олти соат давом этган учрашувда Венесуэла ҳамда Куба ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий масалалар муҳокама қилинган. Таъкидлаш жоизки, 2006 йилнинг июль ойидан бери, яъни Фидель Кастро шифохонага ётганидан буён Уго Чавес Кубага олти марта таъриф буюрган. Фидель даволанишга ётганидан буён, орол ҳукумати унинг уқаси Рауль Кастро бошқариб келди. Ун ой давомида Фидель Кастро оммага кўринмаган, бироқ сўнгги ойларида у бир неча мақолалар ёзган, биринчи марта телеинтервью берган. Уларда Куба раҳбари ўз саломадлиги ҳусусида ҳам тўхталиб ўтган.

Айтиш жоизки, Венесуэла Президентининг Кубага таъриф буюришидан беш кун аввал, «зодлиқ оролига» яна бир лотин америкаси давлати раҳбари — Боливия Президенти Эво Моралес келиб қетганди.



Кредит рад этилди

Еврокомиссия Украинага мамлакат инфраструктурасини ривожлантириш учун 10,35 миллиард доллар миқдоридagi кредитни ажратмасликка қарор қилди. «Коммерсант-Украина» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Еврокомиссия аъзолари мазкур масалага Украина «очиқ осмон тўғрисидаги шартномага имзо чеканидан сўнггина қайтишини билдирган. Мазкур шартномага аъзо бўлган, Украинада авиаташишларга жорий этилган квоталар бекор бўлади. Еврокомиссия вакилининг айтишича, Украина ўз олдида муҳимроқ лойиҳаларни қўйиши ва уларнинг иқтисодий исботини келтириши даркор. Шундангина Европа Иттифоқи Украинанинг сўрономасини қўриб чиқиши мумкин. Ўз навбатида Украина транспорт ва алоқа вазирлиги бу лойиҳалар 26 июнга қадар ишлаб чиқилишини маълум қилди. «Очиқ осмон тўғрисидаги шартнома борасидаги музокаралар ҳам бошлаб юборилди. Қўйишича, агарда ушбу кредит олинса, тушган маблағнинг аксарияти Львов-Киев-Луганск трассасини барпо этишга сарфланади. Шунингдек, маблағнинг қолган қисмига поездлар сотиб олиш ва теъжорар поездлар учун темир йўллар қуриш, учиш-қўниш йўллари ва терминалларни реставрация қилиш режалаштирилган.



СУДГА ТАКЛИФ

Таиланд ҳукумати мамлакатнинг собиқ бош вазири Таксин Чинаватга Бангкокга қайтиб келишга рухсат берди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, бундай қарор чиқарилишига сабаб, ҳозир Таиланд пойтахти судида мамлакатдаги аксил-коррупция комиссияси томонидан киритилган айбловлар қўриб чиқилмоқда. Уларга кўра, Таксин Чинават бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган чоғи, бир катор коррупция жиноятларига қўл урган ва унинг ҳисоб-рақамида бўлган 1,5 миллиард АҚШ доллари ушбу комиссия томонидан музлатиб қўйилган.

Эслатиб ўтамиз, 2006 йилнинг 20 сентябрида бир гуруҳ ҳарбийлар ҳукумат биноларини эгаллаб олиб, бош вазирнинг истеъфоси тўғрисида эълон қилишганди. 2006 йилнинг октябрида эса муваққат фуқаролик ҳукумати ташкил этилди. Ҳарбий тўнтаришни амалга оширганлар ҳукумат тепасида қолишган. Уша вақтдан бери Таиланд собиқ бош вазири Таксин Чинават хорижда қолишга мажбур бўлган. Муваққат ҳукумат бош вазири Сураюг Чуланонинг таъкидлашича, Чинаватга суд олдида ўз қилмишлари учун жавоб бериш учун мамлакатга қайтишга рухсат берилган.



Фуқаролар уруши бўладими?

Фаластин вазирлар маҳкамасидаги «ФАТҲ» партиясидан бўлган номзодлар ҳукуматдаги ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйдилар. «Haaretz» ахборот агентлигининг хабар беришича, вазирлар «ФАТҲ» ҳамда «Хамас» ўртасидаги қуролли қарама-қаршиликка барҳам берилганидан сўнггина ҳукуматга қайтишларини билдирган. Таъкидлаш жоизки, агарда бу ҳолатга теъдда барҳам берилмаса, мухториятда фуқаролар уруши авж олиши мумкин. Шу кунга қадар томонлар ўртасида рўй берган қуролли тўқнашувлар натижасида юзлаб тинч аҳоли қурбон бўлди, минглаб одамлар жароҳатланди.

Бир томонлама баёнот

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба кўни Курдистон ишчи партияси раҳбарияти ўқ узиш тўғрисида бир томонлама баёнот берди. Мазкур баёнотга кўра, курд жангарилари Туркия армиясига нисбатан ҳужум қилмайдиган, фақатгина агар қарши томон ҳужумга ўтса, у ҳолда ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Шунингдек, партия вакиллари тинчлик музокараларини бошлашга ҳам тайёр эканликларини билдиришди. Туркия томони курдларнинг ушбу баёнотига нисбатан ҳеч бир жавоб қайтармади. Авваллари ҳам Туркия ҳукумати Курдистон ишчи партиясининг бундай қарорларини жавобсиз қолдириб келган; сабаби расмий Анқара ушбу партия ва ҳаракатни террористик ташкилот деб ҳисоблайди. Мутахассисларнинг фикрича, Курдистон ишчи партиясининг бундай баёнот билан чиқишига, Туркия армиясининг курд жангариларининг Ироқ шимолидаги ҳарбий базаларини йўқ қилиш бўйича ҳаракатлари фаоллашгани сабаб бўлган.

Туркия марказида жойлашган Конья вилоятида эса мамлакат ҳарбий ҳаво қучларига тегишли F-5 русумли қирувчи самолёт қулаб тушган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, учувчи парашюта самолётдан сакраб қолишга улгурган ва кичик жароҳатлар билан шифохонага келтирилган. Авария сабаблари эса ҳамоно номмаълумлигича қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг ўтган ойда ҳам ушбу вилоятда F-16 русумли қирувчи самолёт қулаб тушганди.

Сирли хунрезлик

Женева кўлида жойлашган дам олиш масканларидан бирида муҳшиг жиноят содир этилди. Курорт масканидаги хонадонлардан бирида ўқ отар қуроллардан ўлдирилган олти кишининг жасади топилган, деб хабар қилади «Fox News» ахборот агентлиги. Воқеа жойидан бир неча метр узоқликда ўқ отар қуролдан ярадор бўлган ёш болакай топилиб, у теъдда маҳаллий шифохонага келтирилган. Полиция курорт ҳудудида ўқ овозлари эшитилгани ҳусусидаги хабар олинганидан кейин бир неча дақиқа ичида этиб келган. Бирок, полиция келганида воқеа жойида ярадор болакай ва олтига жасаддан бошқа ҳеч қандай қўлдан қолган қуроллар, қўлдан қолган қуроллар ва қўлдан қолган қуроллар топилмади.



Президенти Александр Лукашенко Россия ҳамда Козогистон раҳбарлари билан учрашуви чоғида, Россия марказий сайлов комиссиясининг собиқ раиси Александр Вешняков номзодини МДХ ижрочи қотиби лавозимида қўллаб-қувватламаслигини билдирди.

Шундай қилиб, Россиянинг Вешняков номзодини олдинга суриши самара топмади. Сабаби Ҳамдустлининг ҳар бир аъзоси

Лукашенко қарши

мазкур масалани ҳал қилиш вақтида норозлилик билдиришига тўла ҳуқуқи бор. Лукашенко ўз қарорини изоҳлаб бермаган, лекин нашрда ёзилишича, Беларус Президентининг Вешняковга нисбатан шаҳсий эътирозлари мавжуд. Маълумки, Вешняков Россия Марказий сайлов комиссияси раиси лавозимида фаолият кўрсатган кезлари, Беларусда ўтказилган сайловлар демократия принципларига зид ва ошқора ҳолда ўтказилмаётгани ҳусусида кўп мартада оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилганди. Бугун МДХ ижрочи қотиби лавозимини эгаллаб турган Россия собиқ ички ишлар вазири Владимир Румашонинг велекат муддати тугайди.



Милан Мартич устидан Гаагадаги суд жараёни 2002 йилда бошланганди. Мазкур шахс 1991 йилда Россиянинг «Останкино» телекомпанияси журналистлари Виктор Ногин ҳамда Геннадий Куренколарнинг ўлдирилишига ҳам аралашиб қолганди. Россия Бош прокуратурасида журналистлар серб милиционерлари томонидан ўққа тутилган, деб таъкидланганди. Мартич эса ўша вақтда Краинада ИИВ раҳбари лавозимида фаолият кўрсатган. Россия томони Югославияга мазкур жиноят иши тергов натижаси бўйича бир неча бор талабнома жўнатган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирига жавоб қайтарилмади.

Трибунал қарори

БМТ ҳарбий трибунали Серб Краиниси собиқ Президенти Милан Мартичнинг тинч аҳолига нисбатан қотилликлар, қийноқлар, қувғин ва депортация қилишда айбдор деб топди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Гаага суди Хорватиядаги сербларнинг собиқ раҳбарини 35 йил қамоқ ҳазосига ҳукм қилди. 52 ёшли Мартич Слободан Милошевичнинг яқин иттифоқчиларидан бири бўлган, 1991-1995 йиллар давомида Хорватия таркибидagi Серб Краиниси мухториятида етакчи лавозимларда фаолият кўрсатган.

Адашганлар

Афғонистон шарқида жойлашган Нангархар блокюсти АҚШ ҳарбийлари томонидан ўққа тутилган. Натижада етти нафар афғон полициячиси ҳалок бўлиб, кўплари жароҳатланган. Буюк-британиянинг «The Daily Telegraph» газетасида ёзилишича, америкаликлар толибонларга қарши ҳарбий операцияни ўтказиш вақтида уларга нисбатан зарбалар амалга оширилган. Саросимага тушган америкаликлар теъдда ёрдамга вертолёт чақирилган. Ёрдамга этиб келган вертолёт эса афғон полициячилари қўриқлаётган блокюсти ўққа тутилган. Мазкур воқеа сешанба кўни содир бўлди. Афғонистон ички ишлар вазирлигининг расмий вакили мазкур воқеани тушунмовчилик дея баҳолади. Америкаликларнинг таъкидлашича, АҚШ ҳарбийларига номаълум шахслар зарба беришчи ва улар афғон полициячиларини ҳужум қилганларга адаштириб, ўққа тутилган. Афғон Президенти Ҳамид Карзай вакилининг айтишича, афғон полициячилари АҚШ ҳарбийларини толибонлар деб, биринчи бўлиб уларга ўқ узишган.

ПОЙГАЧИ ҚОТИЛ

Красноярск остонасида ўтказилган автомобиль раллиси вақтида катта йўл транспорт ҳодисаси рўй берди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, авария Солонцы қишлоғи яқинида, пойгагарнинг учинчи босқичи ўтаётганида содир бўлган. Автоҳалокат натижасида кўплар жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлган. Гап шундаки, пойга иштирокчилардан бири, ўзининг «Тойота Селика» русумли автомашинасини бошқара олмай катта тезликда трасадан чиқиб кетган. Пойга машинаси ағдарилиб кетиб, бир оила устига тушган. Оилабоши воқеа жойида ҳалок бўлган, она ва 12 ёшли ўғил жондўд тан жароҳатлари билан маҳаллий шифохонага келтирилганлар. Айни дамда тергов-суриштирув ишлари олиб боришмоқда.



Фермерлар талончиси

Италия полицияси мамлакат шимолида жойлашган қишлоқларда фаолият кўрсатиб келган талончиини ҳисба олди. «BBS News» ахборот агентлигининг хабар беришича, фуқаролиги тўғрисида аниқ маълумотлар айтилмаган рус миллияга мансуб Игорь Вацлавич бир қатор италия фермерларига нисбатан талончилик ва босқинчилик жиноятларини амалга оширган. Юзига қора никоб тутиб олган Игорь ферма эгаларини пичоқ ёки катта қамон билан қўрқитиб, пул ва қимматбаҳо тақинчоқлар талаб қилган. Нима сабабдан бундай қилгансиз, деган саволга у, мен болагимда Робин Гудни жуда ёқтирдим ва унга тақлид қилишга ҳаракат қилдим, дея жавоб берган.

АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Питтсбург шаҳрида рўй берган ёнғинда беш нафар бола қурбон бўлди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳалок бўлган болаларнинг ёши учдан еттигача. Гап шундаки, болалар уч қаватли бинонинг иккинчи қаватида бўлишган. Икки оила фарзандларини бир хонадонга қўйиб, энгага ёллаб ишга кетишган. Бирок, тусатдан бошланган ёнғин пайти энгага қочиб қолган, зина алағида ичида қолганлиги сабаб, қўшчилар болаларга ёрдамга кела олишмаган. Айни дамда қочиб қолган энгагани қидириш ва ёнғин сабабларини аниқлаш ишлари олиб боришмоқда.

